2009 ЙИЛ, 10 МАРТ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (11.359)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ТАШАББУС — 2009» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯККАСАРОЙ ТУМАН БОСҚИЧИ «ТАБАССУМ» РЕСТОРАНИДА БЎЛИБ ЎТДИ.**





## Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Республика болалар ижтимоий мослашув марказида ўтказилган семинар-тренингда имконияти чекланган болаларга таълим беришнинг замонавий усуллари ҳамда уларнинг ота-оналарига бу борадаги фойдали маслаҳатларнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Шаҳарлар жавоҳири» лойиҳаси доирасида «Камолот» қувноқлари ва зукколари» мавзуида уюштирилган кўрик-танловнинг финал босқичида ёшлар ўзаро беллашишди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Давлат архивида уюштирилган тадбир мазкур масканда ҳужжат сақлашнинг электрон нусхасини яратишнинг афзалликларига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 239-мактабда юқори синф қизлари ўртасида ташкиллаштирилган кўрик-танлов «Қизлар давраси» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Санитария-эпидемиология назорати марказида шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбирда баҳорги мавсумда қўзиқорин истеъмол қилишда қўлланилиши лозим бўлган қоидалар ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

● **МИРОБОД** туманидаги 218-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Аёл — эзгулик тимсоли» деб номланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

*«Ташаббус — 2009»*

## МАҲОРАТ ВА ИЗЛАНИШ НАМОЙИШИ

Мазкур тадбирда туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва ҳунармандлар орасидан танлаб олинган ва ўтган йилда муваффақият билан ишлаган кичик ва хусусий корхоналар, ҳунари гўзал усталар иштирок этишди. Ташкил этилган кўргазмадан кўрик-танлов иштирокчилари бўлган 12 нафар тадбиркор ва 14 нафар ҳунарманднинг сифатли маҳсулотлари, яратган бетакрор буюм ва асарлари ўрин олиб, қатнашчи ҳамда томошабинларда катта таассурот қолдирди.

— Белгиланган барча шартлар бўйича иштирокчиларимизнинг катта тайёргарлик кўрганлиги, уларнинг ҳар бирининг фаолияти ўзига хослиги, маҳорат ва изланиши яққол кўзга ташланди, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Яккасарой тумани Ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Суръат Раҳмонов. — Шу боис ҳам шартлар бўйича ҳайъат аъзолари холисона баҳолашга эътибор қаратишди. Томошабинларнинг олқишлари эса иштирокчиларимизнинг кайфиятини



кўтариб турди.

Кўрик-танлов якунларига кўра «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича 1-ўрин «MIRSAZABA» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Баҳодир Мирҳабибовга насиб этди. Корхонада электротехника жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ва рақобатбардошлиги ортиб бормоқда. Бу ерда ўнлаб қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Маҳсулот экспортини йўлга қўйишга саъй-ҳаракат қилиняпти.

«Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ғолибликка миниатюрачи рассом Жамшид Раҳматуллаев сазовор бўлди. Унинг бир-бирини такрорламайдиган асарлари, иқтидор ва маҳорати муносиб баҳосини олди. Шунингдек, ҳар икки йўналиш бўйича 2- ва 3- ўрин соҳиблари ҳам аниқланди. Барча ғолиб ва иштирокчиларга диплом ҳамда эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди ва ҳар бир қатнашчининг ўзига хос жиҳатлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ушбу маҳорат ва изланиш намойиши йиғилганларни мамнун этди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўрик-танловнинг Яккасарой туман босқичидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида МДҲ мамлакатларида биринчи бўлган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда. Эркин индустриал-иқтисодий зонанинг муваффақиятини белгиловчи энг муҳим жиҳатлардан бири – бу унинг ёнида жойлашган трансконтинентал интермодал хаб бўлиб, у 2009 йил январидан буён юк ташиш бўйича дунёда етакчи саналган «Кореан Эйр» компанияси томонидан бошқарилмоқда.***

## ЎЗБЕКИСТОНГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШГА ТАЙЁРМИЗ

2009 йил 5 март куни Сеулда “Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона – кореялик шериклар учун Ўзбекистондаги янги инвестицион имкониятлар” мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи энг истиқболли лойиҳалардан бирининг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Конференциядан кўзланган асосий мақсад – Корея Республикасидаги ишбилармон доиралар вакилларини Навоийда ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона, хорижлик инвесторларга таклиф этилаётган имтиёзлар билан кенг таништириш эди.

Сеулдаги “Лотто” меҳмонхонасининг 1200 кишига мўлжалланган конференциялар зали иштирокчилар билан тўлди, мавзуга қизиқиш шу қадар кучли эдики, анжуман ишини кўпчилик ҳатто тик туриб эшитишига тўғри келди.

Юртимиз ишбилармон доиралари вакилларининг делегациясига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов раҳбарлик қилди. Делегация таркибидан шунингдек, мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, нуфузли тадбиркорлар ўрин олди.

Конференцияни Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су табрик сўзи билан очиб бергани Корея ҳукумати мазкур анжуманга катта эътибор берганининг яққол тасдиғи бўлди. У, жумладан, Корея билан Ўзбекистон ўртасида мустаҳкам савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқалар йўлга қўйилганини таъкидлаб, ўзаро ҳамкорлик кундан-кун кенгайиб, янада мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этди ва Навоийда ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона бунинг далили бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик хати ўқиб эшиттирилди. Унда таъкидланишича, «бизнинг Корея Республикаси билан бўлган жадал суръатдаги ҳамкорлигимиз 2006 йилда ўрнатилган стратегик шериклик асосида ривожланиб, бу, ўз навбатида, нефть, газ, уран, қимматбаҳо ва ноёб металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, тўқимачилик, машинасозлик ва автомобилсозлик соҳаларидаги муҳим лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратиб берди».

Автомобиль, темир ва ҳаво йўлларининг энг муҳим чорраҳасида жойлашган Навоий шаҳри аэропорти Жануби-шарқий Осиё мамлакатларини Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Европа қитъаси мамлакатлари билан боғлайди. Яқин вақт ичида Навоий шаҳри аэропорти ҳаво қатнови орқали Осиё ва Европанинг Сингапур, Деҳли, Бангкок, Франкфурт ҳамда Милан каби йирик шаҳарлари билан боғланади.

Тақдимот маросимида таъкидланганидек, эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида махсус солиқ, божхона ҳамда валюта режимлари, резидент бўлмаганлар учун кириш ва чиқиш, ишлаш учун рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади. Бундан ташқари, ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, ягона солиқ тўловидан озод қилиш каби чоралар кўзда тутилган.

Анжуманда бир неча йилдан буён Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритиб келаётган кореялик бизнесменларнинг чиқишлари катта қизиқиш уйғотди. Сўзга чиққанлар Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши берадиган янги имкониятлар тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Конференция давомида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошувчи 35 та инвестицион лойиҳа ва битимлар имзолангани анжуман нақадар муваффақиятли ўтганидан далолат бериб турибди.

Учрашув доирасида, шунингдек, ҳамкорликнинг устувор йўналишларига бағишланган тематик давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда нефть ва нефть-газ, газ ва газкимё, тўқимачилик, электротехника саноати, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, туризм соҳаларидаги аниқ инвестицион лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

**(Давоми 2-бетда).**

*«Наврўз — 2009»*

## ОҚТЕПА — ОБОД МАҲАЛЛА



**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ ОҚТЕПА МАҲАЛЛАСИДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Кўчаларни тартибга келтириш, ариқларни тозалаш, дарахтларга шакл бериш ва оқлаш каби хайрли ишларда маҳалла аҳли билан биргаликда ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ҳам фаол қатнашмоқда. Нуроний отахонлар барча ишларга бош-қош бўлиб, ёшларимизни хайрли тадбирларда фаоллик кўрсатишга ундамоқда.

– Обод юртга тўй-тантана, байрамлар ярашади, – дейди маҳалла оқсоқоли А.Буланов. – Шаҳримизнинг қаерига борманг, бунёдкорлик, ободончилик ишларининг гувоҳи бўласиз. Тозалик бор жойда – барака бўлади. Ҳозиргача 1700 мевали дарахт, 1000 дан зиёд гул кўчатлари ўтқаздик. Бу ишда бизга маҳалламиз ҳудудида жойлашган 179-мактаб ўқувчилари катта ёрдам берди.

**Т.ЗИКИРОВ**
**(ЎзА)**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Самарқанд Давлат университетида ЮНЕСКО ва Марказий Осиё илмий-тадқиқотлар институти ҳамкорлигида илмий-амалий семинар уюштирилди. Қоя тошларга ўйиш санъати мавзусидаги мазкур тадбирда мамлакатимиз ҳамда Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия давлатларининг археолог олимлари иштирок этди.**

● **Фарғона синов ва сертификатлаш маркази халқаро «UCO-9001-2000» стандартини жорий этишда қўлга киритган амалий натижалари учун сертификатлаш идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи нуфузли халқаро ташкилот — «IQNET»га қабул қилинди.**

● **Жарқўрғонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Бақтрия агро экспорт» ўзбек-турк қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхонанинг лойиҳа қуввати бир кеча-кундузда 24 тонна маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, линияларга хизмат кўрсатиш мақсадида 36 та янги иш ўринлари яратилди. Муҳими шундаки, қўшма корхонада асосий иш жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган.**

● **Балиқчи туманидаги «Мадина-97» хусусий корхонаси касаначилик асосида уй меҳнати билан 20 нафар маҳаллий уй бекаларини иш билан таъминлади. Бу ерда спорт йўналишидаги тикувчилик маҳсулотлари, волейбол, гандбол, баскетбол тўрлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари хусусий корхонада спорт кийимлари, жиҳозлар ва сумкалар тикилмоқда. Йил охиригача бу ерда 15 та янги иш ўринлари ташкил этилади.**

● **Урганч шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашувчи марказ ва «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими кенгаши ҳамкорликда ташкил этган меҳнат ярмаркасида 80 та корхона ва ташкилот 900 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмарка давомида 300 дан ортиқ йигит-қиз ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишга муваффақ бўлди.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида жамиятда аёллар фаоллигини ошириш, оилалардаги маънавий муҳитни яхшилаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб этиш мақсадида «Овулимиз келинлари» кўрик-танлови ўтказилди. Унда тумандаги маҳалла ва овуллардан ёш келинлар иштирок этди.**

● **Қишлоқ хўжалик машиналарини созлашга ихтисослашган «Шўрчи таъмирлаш заводи» масъулияти чекланган жамиятида янги маҳсулот — культиватор ва сеялка агрегатларининг бутловчи қисмларини тайёрлашга киришилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Хитой Халқ Республикаси Бош вазири Вэнь Цзябао ўз мамлакатининг Тайвань билан сиёсий ва иқтисодий муносабатларни яхшилаши лозимлигини таъкидлади.**

● **Литва давлатининг собиқ раҳбарлари Витаутас Ландсбергис ва Альгирдас Бразаускас 2009 йилнинг май ойида бўлиб ўтадиган Литва президентлигига навбатдаги сайловларда қатнашмайдилар.**

● **Афинанинг Неа-Иония туманидаги «Citibank» биноси яқинида портлаш содир этилди. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Кўпорувчилик ҳаракати оқибатида ҳеч ким жабрланмаган. Хунрезлик сабаб бино олдидаги автомобиль сақлаш жойида турган бир нечта машина шикастланган.**

● **Кеча Уганда марказий аэропорти яқинида юк ташувчи «ИЛ-76» русумли самолёт ҳалокатга учради. Гувоҳларнинг айтишича, самолёт ҳавода парвоз қилаётган вақтида ёна бошлаган ва аэропорт яқинидаги Виктория кўлига қулаб тушган. Ҳаво кемаси ҳалокати сабаблари тўғрисида ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ.**

● **Япония ҳудудий сувларида Жанубий Кореяга қарашли кема билан ўзаро тўқнашув натижасида Панама давлати кемаси бортида бўлган 16 киши бедарак йўқолган.**

● **Turkish Airline авиакомпаниясига тегишли Boeing 737-800 самолётининг Голландияда ҳалокатга учраши сабабларини текшираётган комиссия кўнгилсизлик сабабларини ошкор этди. Хавфсизлик масалалари бўйича тергов кенгашининг маълум қилишича, самолёт қўниш чоғида тезликни йўқотганлиги ва қўниш чизиғидан бир неча чақирим нарида баландликни ўлчаш мосламаси — альтиметр носозлиги туфайли қулаб тушган.**

● **Кучли қор ёғиши натижасида кеча Россияни Кавказ мамлакатлари билан боғловчи Транскавказ магистрали ёпилди. Бу ерда баъзи жойларда қорнинг қалинлиги бир метрга етган.**

● **Кеча Таиландда дайверлар ҳаракатланаётган қайиқнинг ноқулай об-ҳаво шароитида тўнтарилиб кетиши оқибатида 7 киши чўкиб кетди. Қолган 23 дайвер қутқарувчилар ёрдамида қирғоққа чиқариб олинди.**

● **АҚШ Президенти Барак Обаманинг Кенияда истиқомат қилувчи 87 ёшли бувиси Сара Обама невараси орқали эришган нуфузидан фойдаланган ҳолда хайрли ишга қўл уришини билдирди. Эндиликда у ўз туманида инсоният ва ҳайвонот оламига катта зарар келтираётган заҳарли цеце пашшасига қарши курашга бошчилик қилмоқчи.**

# ЎЗБЕКИСТОНГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШГА ТАЙЁРМИЗ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги иқтисодий муносабатлар суръати кундан-кун юксалиб бормоқда. Биргина 2008 йилда Ўзбекистонга Корея ишбилармон доираларининг 80 дан зиёд делегацияси ташриф буюрди. Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши билан Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ортиб, таҳлилчиларнинг фикрига кўра, бу нафақат Корея компаниялари, балки бошқа мамлакатлар ишбилармонларининг фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Анжуманда Корея Республикаси ишбилармон доиралари Ўзбекистон-Корея муносабатларининг бугунги аҳволи ва Навоий шаҳрида ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар.

**Корея Республикаси ер, транспорт ва сув ресурслари вазири Чун Чжон Хван:**

— Корея билан Ўзбекистон кўп жиҳатдан бир бирига ўхшайди. Кореянинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакат урушдан кейинги бир неча ўн йил ичида иқтисодиётнинг жадал ўсишини таъминлаб, иқтисодиёт ва саноат ҳажми бўйича дунёдаги ўн биринчи мамлакатга айланганини кўришимиз мумкин. Юртимизнинг бундай жадал суръатдаги ўсишига фақатгина халқимизнинг тараққиётга бўлган интилиши, фидокорона меҳнати эвазига эришилди.

Агар мамлакатимизни Ўзбекистон билан солиштирадиган бўлсак, ўзбек халқи ҳам тараққиёт ва фаровонликка эришиш учун астойдил ҳаракат қилаётганини таъкидлаш жоиз бўлади. Лекин шу билан бирга Ўзбекистонда бизда бўлмаган табиий бойликлар ҳам мавжуд. Мамлакатингиз ўз саноат-ишлаб чиқариш базасини оқилона шакллантирса, логистика инфратузилмасини ривожлантирса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги оқилона сиёсатини такомиллаштирса — Ўзбекистоннинг муваффақияти таъминланишига ишончим комил.

Ўзбекистоннинг денгизга чиқадиган йўли йўқ. Лекин Навоийдаги логистик хаб лойиҳасини амалга ошириш орқали мазкур камчиликни енгиб ўтиш мумкин. Бу ерда автомобиль ва темир йўллари ҳаво йўллари билан уйғунлашади. Бу эса Ўзбекистонга иқтисодий тараққиёт борасида жиддий силжишга эришиш имконини беради. Корея компаниялари Навоий зонасидаги фаолиятини жадаллаштиришига ишончимиз комил ва улар Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланишига умид қиламиз. Ўз навбатида, Корея ҳукумати Ўзбекистон бозорига чиқадиган кореялик бизнесменларни фаол қўллаб-қувватлайди.

Бугунги тақдимот Корея компанияларининг Ўзбекистондаги инвестицион фаолиятини жадаллаштиришга хизмат қилиб, Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона уларнинг дунё бозорларига чиқишидаги ўзига хос плацдарм бўлишига умид қиламан.

**Ҳаво орқали юк ташиш бўйича дунёда етакчи ҳисобланган "Кореан Эйр" компанияси вице-президенти Чанг-Хун Чи:**

— Илгари Кореяда ҳам экспортга йўналтирилган тузилмалар фаолият юритган эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиш жараёни ёдимда. Бу – мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига кучли туртки берди. Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона кўплаб хорижий фирма ва компанияларни жалб қилиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшади.

Мамлакатингиз юқори малакали инсон ресурслари, ер ости табиий бойликлари ҳамда Марказий Осиёдаги қулай жўғрофий жойлашувга эга. Навоий сармоядорлар учун энг жозибали жойга айланишига ишончим комил.

Корея республикаси янги технологияларга эга, Ўзбекистон эса уларни ҳаётга тадбиқ этиш истагида. Агар биз мана шу икки жиҳатни бирлаштира олсак, бундан икки томон ҳам ютади.

Мамлакатларимиз президентлари – Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ташаббуси маҳсули бўлган Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона лойиҳаси яқин келажакда ўз ижобий натижасини беришига ишонаман.

**"ДЭУ Интернешнл" кўп профилли (минерал ресурсларни қазиб олиш, молиялаштириш, энергетикани ривожлантириш, рангли металлар, газ ва нефть қазиб олиш, савдо, тўқимачилик) компанияси президенти Ким Чже Енг:**

— Ўзбекистон Республикаси минтақанинг бошқа мамлакатлари билан солиштирганда, муваффақиятли бизнес юритиш учун қатор қулайликларга эга. Юқори малакали инженер-техник кадрлар, такомиллашган қонунчилик базаси, арзон нархдаги муҳандислик-энергетика коммуникациялари Корея компанияларини мазкур бозорга жалб қилувчи омиллар ҳисобланади. Бошқа ижобий жиҳатлар шундаки, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва уларнинг ҳудудига ўз тайёр маҳсулотларини божхона тўловларисиз экспорт қилиш имконига эга. Ўзбекистон бой минерал ресурсларга эга бўлиб, аминманки, сиёсий барқарорлик шароитида инвестицияларни жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига энг янги технологияларни тадбиқ қилиш жараёни ҳам давом этади. Буларнинг бари яқин келажакда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатдаги ўсишини таъминлайди.

Мамлакатимиз Ўзбекистон бозорига 1993 йилда кириб борди. Компания автомобилсозлик, молия, савдо, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, мобил алоқа, электроника, тўқимачилик соҳаларида фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистондаги учта тўқимачилик фабрикамизга энг замонавий ускуналар ўрнатганмиз. Бу каби кенг миқёсли ишлаб чиқаришни нафақат Ўзбекистон, балки Кореяда ҳам учратиш мушкул. Мазкур корхоналарда ип-газлама маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, Европа мамлакатлари, Япония, АҚШ бозорларига етказиб берилади. Айни пайтга қадар қиймати 470 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич 500 миллион доллардан ошади деган ниятдамиз.

Шу орқали биз ДЭУнинг Ўзбекистон билан алоқаларини кенгайтирдик. 1997 йилги молиявий инқирозни енгиб ўтиб, "ДЭУ Интернешнл"га айланган ДЭУ Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритишда давом этмоқда.

Ўзбекистон бозоридаги фаолиятимиз давомида бу ердаги шерикларимиз ишончли эканига амин бўлдик. Ўзбекистон билан алоқаларимизни давом эттиришга тайёрмиз. Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона эса мазкур ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш учун яхши имкониятдир.

**"Корея Плэннев" (қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири) раиси Хонг Чанг Хван:**

— Бугунги анжуманда иштирок этиб турганимдан ниҳоятда мамнунман. Ўзбекистонни мен яхши биламан, ажойиб мамлакатингизда фаолият юритганман. Ўйлашимча, Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонага бағишланган бугунги конференция, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожига ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига кучли туртки беради. Президент Ислом Каримовнинг оқилона, узоқни кўзловчи сиёсати Ўзбекистонга инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратмоқда. Юртингиздаги қонунчилик базаси ҳамда бизнес тизими ниҳоятда яхши йўлга қўйилган бўлиб, хорижий инвесторлар учун айниқса жозибадор. Шу боис мен кореялик шерикларимга инвестицияларни ҳеч иккиланмай Ўзбекистон иқтисодиётига киритиш керак эканини айтиб келаман.

**"Блюстар энерджи" энергетика компанияси президенти Шин Су Юн:**

— Бир неча йиллардан буён Корея билан Ўзбекистон дўстона ҳамкорлик ўрнатиб, барча соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда.

Аминманки, мамлакатларимиз томонидан бошланаётган янги лойиҳа самарали бўлиб мамлакатларимизга катта иқтисодий фойда келтиради. Мазкур лойиҳанинг тез орада ҳаётга татбиқ этилишига умид қиламан. Ўзбекистонда нафақат пойтахт, балки вилоятларни ривожлантиришга ҳам бирдек эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Собиқ совет иттифоқининг Марказий Осиёдаги барча республикалари ривожланишнинг тахминан бир хил даражасида эди. Уларнинг кўпчилигининг раҳбарлари иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва бунинг учун хорижий технологиялар ва инвестицияларни жалб қилиш ниятида эканини таъкидлар, лекин гап гаплигича қолиб кетди. Ўзбекистон бу режаларни амалга ошираётган минтақадаги ягона мамлакат бўлиб, янги замонавий технологияларни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишга тайёр эканини амалда исботламоқда.

Бугунги тақдимот Ўзбекистонда Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун катта миқёсдаги ишлар амалга оширилганини намоён этди.

Ҳозир давом этаётган жаҳон иқтисодий инқирози шароитида Кореянинг кўплаб компаниялари турли лойиҳалар доирасидаги инвестицион фаолиятини бир оз сусайтирди. Аммо Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона кореялик ишбилармонларга инқироздан яхши натижалар билан чиқиш имконини беради, бунга ишончим комил. Шундай экан, бу имкониятни қўлдан бой бериш мумкин эмас.

**Газ қуйиш станцияларини етказиб берувчи "Блитикс" компанияси вице-президенти Ли Чан Сик:**

— Мазкур анжуманда иштирок этаётганимдан мамнунман. Илгари Ўзбекистоннинг иқлими, корейс халқиникига ўхшаб кетадиган ҳаёт тарзи, айрим урф-одатлари ҳақида тасаввурга эга эдим. Менимча, айнан мана шу ўхшашлик осонлик билан тил топишишимиз ва бугунга қадар ривожланиб келаётган дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига хизмат қилди. Ўзбекистонда кореялик ишбилармонларга яратилаётган қулайлик ва имтиёзлардан мамнунмиз. Шу боис биз ишончли ҳамкорларга айландик.

Бугунги конференцияда Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонадаги имтиёзлар, иш шароити тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Ўзбекистон ҳукумати томонидан Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зонада фаолият юритадиган корхоналарга берилувчи имтиёзлар ўзаро ҳамкорлигимизнинг ёрқин истиқболига бўлган ишончни янада мустаҳкамламоқда.

Мен Ўзбекистондаги фаолиятимни икки йил муқаддам бошлаган эдим. Айни пайтда юртингизга ҳар ой бир-икки марта бориб тураман. Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зонада биз газ тўлдириш, компрессор станциялари ҳамда автомобиль газ колонкаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги лойиҳани амалга оширмоқдамиз.

Биз Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган мазкур лойиҳага 100 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни режалаштирмоқдамиз. Мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали Ўзбекистон билан Корея халқи ва ҳукуматини мамнун қиламиз деган умиддаман.

Ташриф доирасида делегация вакиллари Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су билан учрашди. Шунингдек, турли вазирлик ва идоралар, қатор компанияларда ҳам музокаралар ўтказилиб, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Баҳодир МАМАЖОНОВ,**
**"Жаҳон" АА.**

*Тадбирлар*

# МАҲОРАТ ВА НАФОСАТ КЎРИГИ

**БАҲОР ФАСЛИ НАФАҚАТ ЎЗИНИНГ ФУСУНКОРЛИГИ, БАЛКИ ЎЗИГА ХОС ГЎЗАЛ ВА ТАРОВАТЛИ АЙЁМЛАРИ – ДИЛЛАРГА АЖИБ ШУКУҲ БАХШ ЭТАДИГАН АЗАЛИЙ БАЙРАМЛАРИ БИЛАН ҲАМ КЎРКАМДИР. ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ НАФОСАТЛИ ВА САОДАТЛИ 8 МАРТ БАЙРАМИ ҲАМДА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎЗИ ОЛАМ АЙЁМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИДА «БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.**





Мазкур кўрик-танловда «TSHTT» филиали боғламаларида бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга мутахассислар, ходимлар ва хизматчилар қатнашиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу тадбирни ташкиллаштириш анъанага айланиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур тадбир иштирокчиларнинг нафақат ўз касбига бўлган билим ва маҳоратларини оширади, балки оилада, жамоада ҳам фаол бўлишларида катта ёрдам беради.

— Филиалимизда 3000 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали директори Абдурашид Абдумўминов. — Уларнинг барчаси абонентларга замонавий технологиялар асосида намунали хизмат кўрсатишга интилишади. Жамоамизда ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига, уларга қулай меҳнат шароитлари яратишга, маданий-маърифий тадбирлар уюштириш, спорт билан шуғулланишларини таъминлашга катта эътибор қаратилади. Икки йилдирки, анъанавий тарзда «Балли, йигитлар!» ҳамда «Балли, қизлар!» кўрик-танловини ўтказиб, ғолиб ва иштирокчиларни муносиб рағбатлантириб келяпмиз. Бу ёш йигит-қизларимизнинг касб маҳоратларини оширишда, миллий қадриятларимиз ва шарқона урф-одатларимизни эъзозлашларида, ўзаро дўстликни мустаҳкамлашда, тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этади.



Кўрик-танловда М.Улуғбек телефон боғламаси телекоммуникация хизматлари кўрсатиш бўлими муҳандиси Зиёда Нурматова, марказий телефон боғламаси коммутация тизимини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш оператори Нодира Султонова, Чилонзор телефон боғламаси диспетчери Умида Абдувалиева, Ахборот-ҳисоблаш маркази телефонисти Назокат Мирзаҳмедова, С.Раҳимов телефон боғламаси оператори Мадина Аҳмедова, Миробод телефон боғламаси оператори Нилуфар Абдуллаева, Янгиобод телефон боғламаси оператори Муаттар Ҳакимова иштирок этиб, ўзаро баҳслашишди. Зукко ҳайъат аъзолари эса иштирокчиларнинг шартлар бўйича чиқишларига холисона баҳо бериб боришди. Қизлар ўзини таништириш, уйга вазифа, пазандалик сирлари, эркин мавзу шартлари бўйича билим, иқтидор ҳамда маҳоратларини намойиш этишар экан, томошабинлар уларнинг ҳар бир чиқишларини олқишлаб боришди.

Айтиш жоизки, айниқса, иштирокчиларнинг «уйга вазифа» шарти бўйича тайёрлаб келган саҳна кўринишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Уларда мижоз ва алоқа ходимлари ўртасида рўй бериши мумкин бўлган вазиятлар ҳамда уни ижобий ҳал этиш, ушбу ҳолатдан хушмуомалалик билан чиқиб кетиш йўллари кўрсатилди. Кейинги шартлар, бўйича чиқишларда эса қизларнинг пазандалиги намоён бўлди, санъатга ошнолиги эса ижро этган шеър, қўшиқ ва дилрабо рақсларида яққол кўринди.

— Қизларимизнинг нақадар иқтидорли эканлиги ва танловга сидқидилдан тайёргарлик кўрганлигини ҳайъат аъзолари ҳам эътироф этишди, — дейди филиалнинг Тарбиявий-маънавий ва маданий фаолият гуруҳи раҳбари Шоира Турсунова. — Бундай тадбирларимиз ходимларимизни ҳар соҳада фаол бўлишга чорлайди, яхши кайфият улашади, ўз устида тинмай изланишга ундайди. Таъкидлаш жоизки, кўрик-танловни ташкиллаштириш ва қатнашчиларни рағбатлантиришда филиалимиз раҳбарлари ҳамда касаба уюшмасининг хизматлари катта бўлди.

Танлов якунига кўра ҳайъат аъзолари ва томошабинларнинг меҳрини қозонган, энг юқори балларни тўплаган Янгиобод телефон боғламаси ҳисоб-китоб бўлими оператори Муаттар Ҳакимова 1-ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, 2-ва 3-ўрин соҳиблари ҳам аниқланди. Ўзларининг зукколиклари билан ҳайъат аъзоларини ҳам шоshириб қўйган 4 нафар иштирокчи қиз 2-ўринга, 2 нафари эса 3-ўринга лойиқ деб топилди. Бир сўз билан айтганда, ошкора ва ҳаққонийлик ҳукм сурган танловда ҳеч ким ўринсиз қолмади, иштирокчиларнинг меҳнатлари муносиб баҳосини олди. Чиндан ушбу маҳорат ва нафосат кўриги иштирокчиларига «Балли, қизлар!» десангиз арзийди. Қатнашчиларнинг ҳаммасига Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилиб, кейинги фаолиятларида муваффақиятлар тиланди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Балли, қизлар!» кўрик-танловидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

**РЕСПУБЛИКА МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА 8-МАРТ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.**

Тинчлик, осойишталик олий неъмат. Уни асраб-авайлаш шарафли бурч. Бундай масъулиятли йўлда самарали меҳнат қилиб келаётган аёлларимиз фаолияти эса таҳсинга сазовор. Тадбирда ҳарбий тизимда меҳнат қилаётган хотин-қизлардан мустаҳкам ирода, фидойилик, қатъият талаб этилиши алоҳида таъкидланди. Тизимда фаолият олиб бораётган аёлларда бу жиҳатларнинг барчаси мужассам эканлиги эътироф этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакат ҳаётида аёллар иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамоат органларидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилаётир. Аёл ҳақли равишда юксак эҳтиром ва эътирофга лойиқ. Аёл деганда кўз ўнгимизда аввало, улуғ ва табаррук она, севимли ёр, меҳрибон сингил сиймоси гавдаланади.

Тадбирда тизимда фаолият юритаётган бир гуруҳ хотин-қизлар муносиб тақдирланди. Эл севган санъаткорлар томонидан аёлни улуғлаб мадҳ этилган куй-қўшиқлар байрамга кўтаринки руҳ бағишлади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

*Алоқа*

# ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ НАВБАТДАГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ МАЖМУАСИНИ ЧОП ЭТДИ.**

Жамият томонидан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда муомалага чиқарилган бу нашрнинг махсус хотира тамғасига байрам либосида қўлида қурол билан соқчиликда турган аскар ва «Ватан ҳимоячилари куни» ёзуви туширилган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Қуролли Кучларига бағишланган 20 та бадиий почта маркаси мухлисларга тақдим этилди.

# ЯРИМ АСРЛИК ФАОЛИЯТ

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА «АЛОҚА ТАРМОҒИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛАРИ» ДЕГАН МАВЗУДА АНЖУМАН УЮШТИРИЛДИ.**

Бу тадбир олий ўқув юртининг «Эшиттириш телекоммуникацион тизими» кафедрасининг 50 йиллигига бағишланди. Шу ўтган давр мобайнида унда 6 минг нафардан ортиқ малакали мутахассислар тайёрланди.

Ҳозир кафедрада «Узатишнинг оптик тизими» ўқув курси ҳам ишлаб турибди.

Оптик электрон аппаратларидан фойдаланиш лабораторияси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

# ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖА

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН «ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.**

Унга кўра 2009-2010 йилларда республикамизда телекоммуникация хизматлари билан таъминланган мактаб, коллеж, врачлик пунктлари ҳам телефонлаштирилди.

*Фан*

# «ҲОСИЛА» КЕНГ ОММАЛАШДИ

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН КЎПГИНА ТАДҚИҚОТЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ. ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ ИШЛАРДАН ЮЗДАН ОРТИҒИ ПАТЕНТ ИДОРАСИ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА ОЛИНДИ.**

Янги ҳосил қилинган ўғит тури эса ўзига кенг йўл топди. Қишлоқ хўжалиги экинлари унумдорлигини оширишда қўлланиладиган бу ўғит эндиликда четга ҳам экспорт қилинмоқда. «Ҳосила» деб номланган препарат пахтачилик хўжаликлари томонидан яхши кутиб олинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу ўғит қўлланилган пахтазорларда ҳосилдорлик гектар бошига 4-5 центнерга ошади. Шу сабабли бу йил «Ҳосила»дан кенг майдонларда фойдаланилади.

# ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

**«ТОШТЕМИРЙЎЛЛОЙИҲА» ИНСТИТУТИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗ ТЕМИРЙЎЛ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.**

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлини фойдаланишга топширишда ҳам илмий муассаса лойиҳаларидан кенг фойдаланилди.

Янги темир йўл қурилишлари учун ҳам кўплаб лойиҳалар тайёрланди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Санъатимиз дарғалари*

# ХИЗМАТИ БУЮК ХАЛҚ САНЪАТКОРИ

**ПОЁНИГА ЕТИБ БОРАЁТГАН 2008 ЙИЛНИНГ СЎНГГИ ДАМЛАРИДА, КИРИБ КЕЛАЁТГАН 2009 ЙИЛ БЎСАҒАСИДА, ПОЙТАХТ КУРАНТИ СОАТЛАРИ ЁҚИМЛИ ЗАНГ УРИШИГА МУАЙЯН ДАҚИҚАЛАР ҚОЛГАНИДА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ ЯНГРАДИ, МАТБУОТДА ҲАМ ЧОП ЭТИЛИБ, ЭЛ ҚАЛБИНИ ҚУВОНЧЛАРГА ТЎЛДИРДИ. МАЗКУР ТАБРИК СЎЗИДА ЮРТБОШИМИЗ ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЧУҚУР ВА КЕНГ КЎЛАМЛИ БАРЧА ЎЗГАРИШЛАР ЗАМИРИДА — «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЙ ТОПСА, ЮРТИМИЗ ОБОД, ХАЛҚИМИЗ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛАДИ» ДЕГАН ҲАҚИҚАТ ЁТГАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ.**



Давлатимиз раҳбари қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, қишлоқларда турмуш ва маданият даражасини юксалтириш ҳақида сўзлаганда кўпчилик qатори мени — маданият, санъат намояндасини айниқса хушнуд этди, зеро бундай долзарб, республика ҳаёти учун ўта зарур, глобал аснодаги улкан тадбирларни амалга ошириш учун Мустақиллик, республикада тобора авж олаётган истиқлолий жараён зарур шароитлар, жиддий омиллар яратиб бермоқда.

Мустақиллик шарофати ила бугунги кунда қишлоқ ҳаётида рўй бераётган бунингдек катта ўзгариш ва бунёдкорликлар ҳақида тинглар эканман, юртимиз қишлоқларида туғилиб ўсган, мустабид тузум даврида у ерлардаги оғир ҳаёт, ўксикли турмуш тарзидан изтироблар чекиб, киндик қонлари тўкилган ўз қишлоқларини ўсмирлик чоғларидаёқ тарк этиб чиқиб кетган машҳур маданият, санъат намояндаларидан Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраева, Сойиб Хўжаев, Муроджон Аҳмедовларнинг қишлоқдаги мушкул аҳволлари ҳақида андуҳ билан гапирганлари хаёлимга келди ва қани энди булар ҳаёт бўлганларида, қишлоқда рўй бераётган бундай ўзгаришлардан беҳад хурсанд бўлардилар деб ўйладим.

Республикамиз Президентининг юртимиз қишлоқларида амалга ошириладиган янада катта ўзгаришлар ҳақидаги бунингдек сўзларидан Фарғона водийсининг тоғлик қишлоқларидан бирида таваллуд топган, ўсмирлик чоғлари ана ўша мудҳиш даврда, аянчли ўтган Ҳалима Носированинг ҳам руҳи наздимизда янада шод бўларди... Хаёлимда машҳур санъаткоримиз Ҳалимахонимнинг ана ўша тоғлик қишлоқдаги ҳаёти ҳақидаги хотиралари яна бир бор жонланди, у шундай дея, ҳикоя қилиб берганди: «Мен Қўқон яқинидаги тоғли қишлоқда туғилганман, қишлоғимиз, айниқса баҳорда ўзгача зеб тортарди, чор-атроф ям-яшил либосга бурканарди, дарахтлар чаман гуллаб, келинчаклар сингари гулдан либосга ўраларди, қушларнинг сайраши сархуш этарди, тоғдан чулдираб тушиб келаётган ирмоқларнинг шўхлиги завқ-шавқни келтирарди... Отам Муҳаммад Носир оддий косиб бўлса-да, онам Хосиятхон билан дутор чертиб, халқ куй-қўшиқларини айтиб, мени, қизлари Ҳожар, Ойшаларни рақсга тушишга, ашулалар айтишга чорларди... Отам — «Ҳалимахон қизим ўзи бошқача-де, у Худо хоҳласа Адолчахондек қўшиқлар айтадиган бўлади», дея орзу қиларди, аммо афсус, у мен ўсмирлик чоғларимдаёқ ҳаётдан кўз юмганди, биз оғир турмуш исканжасида қолгандик, қишлоқдаги турмуш ночор эди, одамлар ҳаёти оғир кечарди, қишлоқдаги маданият даражаси ҳам ўксукли тарзда бўлиб, хат-савод масаласи ташвишли аҳволда эди. Бунингдек аянчли аҳвол бизларни Қўқонга кўчиб кетишга мажбур этганди...»

Қўқондаги ҳаёт бир оз ўзгачароқ кечди, Ҳалимани болалар уйига бердилар. Бунга қадар у театр нималигини билмасди, ушбу шаҳарга келиб билди. Қўқонда 20-йиллар бошида яхшигина театр кучлари мавжуд эди. Қори Ёқубов, Миршоҳид Мироқилов, Ҳамза, Тамара хоним сингари таниқли ижодкорлар саҳнада қизғин фаолият кўрсатардилар. Ҳалима ушбу санъаткорларнинг спектаклларини, концертларини мароқ билан томоша қиларди. «Шаҳарда маърифатпарвар педагог, «Дорил шафақа» (меҳрибонлик уйи)нинг ташкилотчиси Абдуваҳоб Ибодий мактаби қошида ҳаваскорлик тўгараги ҳам бор эди ва унга иқтидорли ёшлардан Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Темур Фаттоҳ, Ҳожиқурбон Назаров, Сойиб Хўжаевлар сингари мен ҳам қатнай бошладим, саҳнада кичик ролларни ижро этдим, қўшиқлар айтдим, рақсларга тушдим. Бир куни саҳнада чиқишларимизни Миршоҳид Мироқилов, Қори Ёқубов, Тамарахонимлар келиб кўрдилар ва уларнинг ҳамда шаҳар маориф шўъбасининг тавсияси, йўлланмаси билан, мени 1922 йилда Тошкентга, хотин-қизлар билим юртига ўқишга юбордилар. Бу ерда таниқли артист ва раққос Али Ардобус ҳаваскорлик тўгарагига раҳбарлик қиларкан, мени ва дугоналарим Шоҳида Маъзумова, Назира Алиеваларни тўгаракка таклиф этди. Пойтахтдаги Наримонов номли билим юртида ҳам драмтўгарак бўларди, унга атоқли актёр Аброр Ҳидоятов раҳбарлик қилган, бу икки тўгарак қатнашчилари бирлашиб спектакль намойиш этардилар, концертлар кўрсатардилар, мен уларда фаол қатнашардим, Аброр Ҳидоятов билан ҳам дастлаб шу ерда танишганман» дея, хотирлаганди Ҳалимахоним Носирова.



1925 йил Ҳалимахонимнинг хотирасида абадий сақланиб қолган йиллардан бўлиб қолган эди ва «Тошкентда, ҳозирги телестудия ўрнида, Валихўжабойнинг ҳашаматли уйида Зебинисо номидаги хотин-қизлар билим юрти бўларди ва унинг қошидаги театр тўгарагига бу билим юртида адабиёт ва шарқиядан дарс берувчи шоир, таниқли маданият, санъат намояндаси Хуршид раҳбарлик қиларди. Ўзи режиссёрлик қилиб ёшлар учун мўлжалланган спектакллар ҳам қўйиб турарди, таниқли раққос, балетмейстер Али Ардобус эса буларга рақслар қўярди. Мазкур билим юрти қошида «Зебуннисочилар» деб аталган ҳаваскорлик концерт гуруҳи ҳам фаолият кўрсатарди ва мен буларда дугоналарим Сора Эшонтўраева, Шоҳида Маъзумова, Назира Алиевалар билан бирга роллар ижро этардим, қўшиқлар айтардим, концертларимиз фақат пойтахтда эмас, Тошкент атрофидаги Янгийўл, Бекобод, Қовунчи, Чинозда ҳам намойиш этиларди. Бир куни «Зебуннисочилар»нинг концертлари Тошкентнинг янги шаҳарида жойлашган, элга яхши таниқли «Колизей» номли катта залда бўлиб ўтди ва томошабинлар уни зўр қарсаклар билан кутиб олдилар. Мен Хуршид домла атоқли бастакор, ажойиб созанда Шораҳим Шоумаров билан ўргатган «Ушшоқ» (Фироқ алангасида)ни ижро этганимда, концерт зали қарсаклардан ёрилиб кетай дерди» дея, эсларди ана ўша унутилмас вақтларни.

Ўтган аср 20-йилларининг иккинчи ярмида Ҳалима Носирова Бокудаги театр билим юртида атоқли санъаткорлар М.Кирмоншоҳли, Ш.Мамедова, таниқли педагоглардан профессор В.Сладкопевцева, А. Маэльянцлардан дарслар олди, саҳна санъати, актёрлик, вокал ижроси, саҳна нутқи сир-асрорларидан воқиф бўлди. Озарбойжон пойтахти театрларида кўрган спектакль, концертлар, атоқли саҳна усталари, режиссёр, бастакорлар билан бўлиб ўтган учрашувлар ҳам ўзига хос бир мактаб бўлди. Ҳалимахон айниқса машҳур композитор Узаир Ҳожибеков билан бўлиб ўтган ижодий учрашувларни сира эсдан чиқармасди. Ҳожибеков булбул овозли бу ёш, ҳали ўзбек саҳнасини безайди, шуҳрати кенг таралади, деганди, ҳатто «Аршин мол-олон» асаридаги Гулчеҳра арияларини ўзлаштириш ва хониш этишда ўзининг қимматли маслаҳатларини берганди... Дунёга донғи кетган машҳур хонанда Булбул Мамедов Ҳалима Носирова ҳақида самимий сўзлаб, ўзбеклардан бир «булбул» етишиб чиқмоқда, унинг парвози барчани хурсанд қилади дея таъриф берганди.

Бокудаги ўқишни битириб, Тошкентга қайтгач, Ҳалима Носировани пойтахтдаги етакчи театрга, ҳозирги ўзбек Миллий академик драма театрига актриса сифатида ишга олдилар. Маннон Уйғур раҳбарлик қилаётган, Хуршид, Аброр Ҳидоятов, Маъсума Қориева, Обид Жалилов, Музаффар Муҳамедов, Фатхулла Умаров, Турсуной Саидазимова, Миршоҳид Мироқилов, Ғози Юнус, Зиё Саидлар қизғин фаолият кўрсатиб турган машҳур театрда ўз ижодий фаолиятини профессионал актриса сифатида бошлаш, Ҳалимахоним учун ҳам катта қувонч, ҳам жиддий масъулият эди. Мазкур театр унинг учун жиддий бир дорилфунун бўлди. Ушбу театрда драматик спектакллар билан бирга мусиқий драма ва комедиялар ҳам намойиш этиларди. Ёш, жарангдор овозли актриса бу театр саҳнасида «Аршин мол-олон»даги Гулчеҳра, «Ҳалима»даги Ҳалима, «Фарҳод ва Ширин»даги Ширин ролларини (Турсуной Саидазимова, Шоҳида Маъзумовалар билан) ижро этди, миллий мусиқий драма ва комедияларимизнинг дастлабки қалдирғоч ижрочиларидан бўлиб қолди.

1929 йилда республика мусиқали театрининг ташкил этилиши, Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ҳ.Носирова ушбу театр тўғонбошисида турганлардан бири бўлди ва театр фаолиятининг дастлабки паллалариданоқ мазкур ижодий даргоҳ билан ўз ҳаётини боғлади, Узаир Ҳожибеков, Хуршид, Ғулом Зафарий, Комил Яшинларнинг саҳна асарларидаги бош ролларни юксак маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар меҳрини қозонди, унинг ҳақида матбуотда ижобий мақолалар ёритилди. 1937 йил республика маданий-маънавий ҳаётида, шунингдек театримиз тарихида ҳам ўчмас из қолдирганди. Шу йили Москва шаҳрида Ўзбекистон санъатининг биринчи «декада» — ўн кунлиги бўлиб ўтди ва унда санъаткорларимиз Хуршид ва Виктор Успенскийларнинг «Фарҳод ва Ширин», К.Яшин ва Т.Содиқов, Р.Глиэрларнинг «Гулсара» мусиқали драма асарларини намойиш этишди. Томошабинлар иккала спектаклни ҳам қизғин кутиб олдилар. Иккала спектаклда Ҳалима Носирова етакчи ролларда намоён бўлди, у саҳнада яратган Ширин, Гулсара каби сиймолари билан минг-минглаб театр мухлисларининг қалбини забт этганди. Ўшанда санъаткор маҳоратига юксак баҳо берилганди, асар муаллифлари, режиссёр, балетмейстер, рассом, хормейстер, оркестрлар ҳам ижобий баҳоларга сазовор бўлгандилар. Газета ва журналларда булар тўғрисида мақола, тақриз, ижодий портретлар берилди, Москвадаги радиостанциялар «Фарҳод ва Ширин» спектаклини дунё мамлакатларига узатганди ва эфир орқали Ҳалима Носирова — Шириннинг ариялари ҳатто чет элларга ҳам ёйилганди.

Ушбу декада самарали ўтгандан сўнг, 1938 йилда, «Ўзбек опера театри» деб аталган нафосат кошонаси саҳнасида (собиқ «Колизей») бирин-кетин «Эр-Торғин», «Наргиз» опералари ўзбек тилида саҳналаштирилди, 1939-40-йилларда эса «Бўрон», «Лайли ва Мажнун» опералари театр мухлисларига тортиқ этилди, улардаги етакчи Оқжунус, Наргиз сиймоларини Ҳ.Носирова юксак маҳорат билан яратиб, ўзбек опера санъатининг ҳам дастлабки қалдирғоч санъаткорлари, опера ва балет театримизнинг ташкилотчилари сафидан ўрин олди. 1948 йили ушбу театр янги муҳташам бинога — шу кунларда Алишер Навоий номидаги Давлат катта академик опера ва балет театри дея, аталиб келаётган нафосат кошонасига кўчиб ўтди. Ҳалима Носирова саҳнага қўйилган «Улуғбек», «Гўрўғли», «Фарҳод ва Ширин», «Улуғ канал», «Ҳамза», «Тоҳир ва Зуҳра», «Зайнаб ва Омон», «Хоразм қўшиғи», «Майсаранинг иши» каби операларда қуйма сиймолар яратди ва улар театр ҳамда мусиқа маданияти тарихида ўчмас из қолдирди. У ижрочилик маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшдики, ундан ўнлаб, юзлаб иқтидорлар баҳраманд бўлди, таниқли санъаткорлар бўлиб етишди. Ҳ.Носирова катта Фарғона канали, Лағон, Тошкент каналлари, Фарҳод ГЭС, Чирчиқ ГЭСларни бунёд этишда, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига маданий хизмат кўрсатишда ўз ансамбли билан қатнашди. Машҳур санъаткор Ўзбекистон санъати довруғини Ҳиндистон, Хитой, Бирма, Ливан, Миср, Эрон, Германия, Канада сингари кўп мамлакатларга ёйди, тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, инсоний қадр-қиммат, тараққиёт, умумбашарий эзгулик руҳи, мазмуни, шевалари билан тўлиб-тошган қўшиқлари билан жаҳон халқлари қалбига кириб борди. «Мен ўзбек қизиман, Шарқда аланга...» дея куйлайдиган ажойиб қўшиғи билан оламни кезди, унинг беназир санъатини, кумушжаранг овозини, юксак хониш маҳорати ва маданиятини, қалбларга ҳузур бағишлайдиган мумтоз ва замонавий қўшиқларини, маданий меросга бўлган ихлосини, буюк хизматларини Жавоҳарлаъл Неру, Индира Ганди, Раж Капур, Аҳмад Файз, Чингиз Айтматов, Булбул Мамедов, Иван Козловский, Немирович-Данченко, Рейнгольд Глиэр, А.Нежданова, Д.Шостакович, Анна Ахматовалар олқишлаб, қадрлаган эдилар.

Ҳалима Носирова шуҳратли санъаткор бўлганида ҳам илм-билимларини орттиришдан толмади. Бу ҳақда унинг Москва консерваторияси моҳир педагогларидан дарслар олгани ҳам гувоҳлик берарди. Йиллар ўтгач ўзи ҳам Тошкент Давлат санъат институтида ёшларга дарс берганди, саҳна санъатига кадрлар тайёрлашда фаоллик кўрсатди. Машҳур санъаткор ижро мундарижасида турли халқларнинг қўшиқлари ҳам мавжуд эди. Унинг ҳаёт ва ижодиёт йўли ёш авлод учун бебаҳо мактабдир, бизларга қолдирган маданий-маънавий мероси ҳам ўта қадрли, у санъат қадрини, санъаткор иззат-обрўсини асраб-авайлаб, пок сақлаб келганди, бу ҳам ёш иқтидорларга, санъатга кириб келаётган, ҳатто унда хизмат қилаётганлар учун катта ибратдир.

Ҳалима Носирова ўзбек санъатининг равнақи йўлидаги улкан хизматлари боис, уч марта давлат мукофотларига сазовор бўлди, унга Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвони берилганди, самарали педагогик фаолияти учун профессор илмий унвонига эга бўлганди.

Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг буюк санъаткорнинг хизматлари эътироф этилиб, республикамиз Президентининг Фармони билан Ҳалима Носирова давлатимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Давлат телерадиокомпанияси Ҳ.Носирова ҳаёти ва ижодига бағишланган радио композиция, катта телевизион кўрсатувга ҳозирлик кўра бошлади, унинг ҳақидаги икки қисмдан иборат телефильм ҳам суратга олина бошланганди, ҳатто унинг биринчи қисми экранга узатилганди...Бироқ, Ҳалима Носирова оғир хасталикдан сўнг 2003 йилнинг 3 январида ҳаётдан кўз юмди. Хеч шубҳаси, Ҳалима Носированинг ўзбек театр ва опера қўшиқчилик санъати ривожи йўлидаги улкан хизматлари, буюк халқ санъаткорининг номи ва бетакрор, оҳанрабо, дилга яқин қўшиқлари қалбимизда мангу яшайди.

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунос олим**
**(Суратлар муаллиф архивидан олинди)**

# ЯНГИ АВЛОД ТАРМОҚЛАРИГА ЎТИЛМОҚДА

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИК МАРКАЗИДА БЎЛИБ ЎТГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ.**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Х.Муҳиддинов Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг муҳим вазифалари, жумладан, қишлоқда турмуш сифатини тубдан оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилганини таъкидлади.

Айни пайтда барча АТСлар сиғими 2099,8 минг рақамга етди, АТСларни рақамлаштириш даражаси 88,8 фоизни ташкил этди. Халқаро Интернет канални янада кенгайтириш натижасида 2008 йил охирида унинг умумий ҳажми 825 Мбит/сни ташкил қилди.

Қишлоқ телекоммуникация тармоқларида умумий сиғими қарийб 362,3 минг рақамни ташкил этадиган 1553 дан ортиқ телефон станциясидан фойдаланилмоқда. Бугунги кунда республикамизда барча болалар боғчалари ва Меҳрибонлик уйлари, лицейлар, коллежлар, мини-банклар, шифохоналар, поликлиникалар, санаторийлар телефон алоқаси билан тўлиқ таъминланди.

2009 йилда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш, кенгайтириш ва ривожлантириш, янги турдаги хизматларни жорий этиш, айниқса қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма объектларини телефонлаштириш ишлари давом эттирилади.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва бошқа вилоятларда 72 та қишлоқ телефон станцияларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари бошланди.

Жорий йилда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси 9 та йирик лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. Тошкент-Бухоро телекоммуникация тармоғи ва ТрансОсиё-Европа оптик толали алоқа линиясини кенгайтириш, Андижон-Ўш (Қирғизистон), Қўнғирот-Бейнов (Қозоғистон), Денов-Турсунзода (Тожикистон), Термиз-Ҳайратон (Афғонистон) йўналишларида халқаро алоқа линияларини қуриш шулар жумласидандир. Шунингдек, Тошкент-Фарғона водийси йўналишида рақамли радиореле линиясини, DWDM/SDH/IP/MPLS технологияси негизида Тошкент шаҳрида маълумотлар узатиш тармоғи, қишлоқ жойларда радиодан симсиз фойдаланиш тармоғини кенгайтириш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун компания ўз маблағларидан ташқари Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси инвестициялари ва Хитой молия муассасаларининг имтиёзли кредитларини жалб этишни мўлжалламоқда.

Бу борада NGN тармоғини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади. Next Generation Network – Келгуси авлод тармоғи – кенг полосали пакетли тармоқ асосида ташкил этилган бўлиб, сифати кафолатланган кўплаб турдаги телекоммуникация хизматларини тақдим этишни ва фойдаланувчининг глобал мобиллигини таъминлайди. Бошқача айтганда, бу видеотелефон, видеоконференциялар, Интернетдан тезкор фойдаланиш, маълумотларни тезкор узатиш, жумладан рақамли каналларни ижарага бериш, IP-телевидение, мультисервис корпоратив тармоқлар, IP-телефония, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, масофадан туриб ўқитиш, комплекс телематик тизимлар каби кўплаб қўшимча хизматларга эга маҳаллий, шаҳарлараро ҳамда халқаро телефон алоқасидир.

Компания мутахассислари қайд этганидек, мамлакатимизда анъанавий телекоммуникациялардан NGN тармоғига ўтиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Хусусан, замонавий транспорт инфратузилмаси ташкил этилди, тармоқларни рақамлаштириш ниҳоясига етмоқда, абонентлар фойдаланадиган тармоқлар реконструкция ва модернизация қилинмоқда, NGN тармоғи ускуналари ўрнатилмоқда.

Телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш, алоқа тармоғини модернизация қилиш, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантириш учун шароит яратиш 2009 йилдаги устувор йўналишлар ҳисобланади.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Савол:— Қўшним йўлдан қимматбаҳо буюм топиб олибди. Унинг айтишига қараганда, топилмани қаерга ва кимга топширишни билмай виждони қийналаётган эмиш. Ана шу ҳақда газета орқали тушунча берсангиз.**

**С.Жамилов,**
**Чилонзор тумани**

**Жавоб:** — Тушунишимизча, қўшнингиз топиб олган буюмни эгасига топширмоқчи бўляпти-ю, аммо унинг шахсини ҳам, манзилини ҳам билмайди. Башарти, шундай бўлса, ашёни топиб олган киши топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

Ашёни топиб олган ҳамда уни олишга ҳақли бўлган фуқарога қайтариб берган шахс ана шу фуқародан, ашё давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтган ҳолларда эса — улардан ашёни сақлаш, топшириш ёки сотиш билан боғлиқ харажатларни, шунингдек ашёни олишга ҳақли бўлган шахсни топиш учун кетган харажатларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ашёни топиб олган шахс уни олишга ҳақли бўлган шахсдан топилма учун ашё қийматининг йигирма фоизига қадар миқдорида мукофот талаб қилишга ҳақлидир.

Башарти, топиб олинган ҳужжатлар ёки ашёлар уларни олишга ҳақли бўлган шахснинг ўзи учунгина қимматга эга бўлса, мукофот миқдори шу шахс билан келишув асосида, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса — суд орқали белгиланади.

Топилган ашёни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли бўлган шахс топилма учун кўпчилик ўртасида мукофот ваъда қилган бўлса, у кўпчилик ўртасида ваъда қилинган мукофотни ўша шартларга мувофиқ тўлайди.

Агарда, ашёни топиб олган шахс топилма ҳақида хабар қилмаган ёки уни яширишга уринган бўлса, мукофот олиш ҳуқуқи вужудга келмайди.

* * *

**Савол: — Махсус уйлар деганда қандай турар жойни тушуниш мумкин, уларда кимлар яшайди ва мазкур уйлардан кўчириш тартиб-қоидалари қандай?**

**Тўхтапўлат Қодиров,**
**Сергели тумани.**

**Жавоб:** — Махсус уйлар фуқаролар айрим тоифаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда яшаши учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 82-моддасида белгилаб қўйилганидек махсус уйлар жумласига қуйидагилар киради:

— ётоқхоналар;
— вақтинчалик уй-жой фонди уйлари;
— ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар;
— Меҳрибонлик уйлари ва бошқа мақсадли уйлар.

Махсус уйлардан кўчириш ушбу Кодексда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда амалга оширилади. Меҳнат, хизмат муносабатларини тугатган фуқаролар, шунингдек ўқув юртларида ўқишни тамомлаган шахслар уларга иши, хизмати ёки ўқиши муносабати билан берилган ётоқхонадан бошқа турар жой бермасдан кўчириладилар.

Мазкур Кодекснинг 80-моддасида қайд этиб ўтилган фуқаролар бошқа турар жой бермасдан ётоқхонадан кўчирилишлари мумкин эмас. Бошқа турар жой берган ҳолда қуйидагилар кўчириладилар:

— I ва II гуруҳ ногиронлари;
— 1941-1945 йиллар уруш фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар;
— ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;
— ногирон фарзандлари бўлган оилалар;
— тарбиячи — ота-оналар — оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда;
— хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган шахслар;
— эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойни берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар;
— ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;
— ўзи ишлаган жойдан нафақага чиққан ходимлар;
— хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;
— вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.

* * *

**Савол: — Мажбурий суғурта замирида қандай тушунча ётади ва у қандай йўл билан амалга оширилади?**

**Карим Сувонқулов,**
**Шайхонтоҳур тумани.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 922- ва бошқа кейинги моддаларида Мажбурий суғуртага анча кенг ўрин берилган. Қонунда қуйидагиларни суғурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин:

— Қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб,
— бошқа шасхларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи;
— суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланади.

Қонунда мажбурий суғуртанинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин.

Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмас.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки унда белгиланган тартибда хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида давлатга қарашли мол-мулкка эга бўлган юридик шахсларга бу мулкни суғурталаш мажбурияти юкланиши мумкин.

Мажбурий суғурта бундай суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (суғурта қилдирувчи) суғурталовчи билан суғурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади.

Мажбурий суғурта суғурта қилдирувчи ҳисобидан амалга оширилади, йўловчиларни мажбурий суғурталаш бундан мустасно бўлиб, бу суғурта қонунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

**Мавлуда НОСИРОВА,**
**ҳуқуқшунос.**

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...**

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

### ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ

**Кирган бўлса қўлингга мулку давлат,**
**Озор берма бировга истаб иззат.**
**Мазлум киши урган ўтли оҳча бўлмас,**
**Юз зулм тиғи қилса жаҳонни ғорат.**

### НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

**Бошини баланд кўтарди деб беармон,**
**Буғдойни айирдилар бошидан шул он,**
**Ажралди яна терисидан еб гаврон,**
**Бошида юритдилар яна тегирмон.**

* * *

**Бил, адлу адолат зафарлар сабаби,**
**Бил, зулму ситам барча зарарлар сабаби.**
**Бил, хайру сахо айбу гуноҳим ёпгай,**
**Пастлигу хасислик кадарлар сабаби.**

* * *

**Ёрсиз яшаманг то бу жаҳонда борсиз,**
**Бечорадир у, кимки бўлса ёрсиз.**
**Жон эвазига топилмагай бу дамлар,**
**Дил бўлса агар, ҳеч яшаманг дилдорсиз.**

* * *

**Эртанги кунингга ҳам умид йўқ ҳатто,**
**Бас, тўхтама яхшилик қилишдан асло.**
**Ҳеч кимга вафо қилмас экан бу олам,**
**Овлаб яша дўстлар дилини ҳар асно!**

### АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ

**Нафсингни агар қилиб нишон кетгайсан,**
**Ўзингни хароб этиш томон кетгайсан.**
**Боқ ўзингга: кимсану қаердан келдинг,**
**Англа: не қиларсану қаён кетгайсан?**

* * *

**Ишқ йўлига кирсанг, батамом дард бўласан,**
**Хоксору заиф мисоли бир гард бўласан.**
**Кам нарсани орзу қилган мард бўлади,**
**Кам нарсани орзу айла то мард бўласан.**

* * *

**Дил мақсади, жоннинг орзуси бўлгай ишқ,**
**Ҳам мангу ҳаёт тарозуси бўлгай ишқ.**
**Ишқ асли Хизр умрини боқий этган,**
**Бас, мангу ҳаётнинг улгуси бўлгай ишқ.**

* * *

**Мард элни кўйиб, чеккага урмас ўзини,**
**Ё катта тутиб эл ичра юрмас ўзини.**
**Кўз қорачиғидан ибрат олса арзир:**
**У ҳаммани кўрар, аммо, кўрмас ўзини.**

* * *

**Эй дил, кишилардан сира ёрлик тилама,**
**Ҳар шох соя бермайди — деворлик тилама,**
**Иззат қаноатдаки, хорлик тилама,**
**Иззатни азиз тут, сира зорлик тилама.**

### АБУЛҲАСАН ХАРАҒОНИЙ

**Билмасмиз азал сирини на сену на мен,**
**Тақдир ёзувин бирини на сену на мен.**
**Биз сўзлашамиз парда аро — у тушса,**
**Сақлай оладирмиз уни на сену на мен.**

* * *

**Яхши шер ила жанг айламоқдин ҳар кез,**
**Фақр ханжаридан агарда қилсанг парҳез.**
**Ёлғиз кишилар ҳиммати мисли эгов,**
**Гар кесмас ўзи, кесгучини қилгай тез.**

### ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ

**Гар бир кишидан дилда шикоят бўлгай,**
**Дил оғриғи ундан бениҳоят бўлгай;**
**Ҳеч ўйлама интиқом олишни, чунки**
**Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.**

* * *

**Дунё ғамидан ҳар киши холи бўлгай,**
**Унга бу жаҳон зарра мисоли бўлгай.**
**Ҳақ берганини халққа ато айласа ким,**
**Олам элининг соҳибкамоли бўлгай.**

* * *

**Поклашга агар дилингни машғул бўласан,**
**Одобу муомалада маъқул бўласан.**
**Боқ яхши-ёмонга раҳмат кўзи билан,**
**Ҳақ наздида шояд энг суюк қул бўласан!**

* * *

**Инсонга гўзал хулқи эмиш ҳусну жамол,**
**Топгай у гўзал хулқи билан фазлу камол.**
**Ҳақ раҳматига агар етишмоқ тиласанг,**
**Шарти шуки: хулқингни мукаммал қила қол!**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

*Таълим масканларида*

# ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИГАН ЮТУҚЛАР

**БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛИШЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИНИНГ МУКАММАЛЛИГИ ЗАМИРИДА ФАҚАТ БИРГИНА МАҚСАД— ЁШЛАРНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ ВА НУРЛИ ИСТИҚБОЛИ МУЖАССАМДИР.**

Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежида ҳам ёшларнинг билим олишлари, ўз иқтидорларини очишлари борасида уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Яқинлашиб келаётган тўқсон йиллигини муносиб кутиб олиш учун тараддуд кўраётган мазкур ўқув маскани бугунги кунда ўзига хос нуфуз ва обрўга эга.

Коллежда профессор олимлар ва фан номзодлари мусиқа ва санъат сирларини ёшларга мукаммал ўргатиб келмоқдалар. Ана шундай самарали саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ коллеж ўқувчиларигина кўплаб халқаро ва республика танловларининг соврindорлари ҳисобланадилар.

—Ўқув масканимизда ёшларнинг билим олишлари ва ўз истеъдодларини мустаҳкамлашлари учун етарлича шароитлар яратилган,— дейди биз билан суҳбатда Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи директори Ботир Матёқубов.— Мусиқа йўналишини танлаган ва келажакда санъатда ўз ўрнимга эга бўлай деган ёшларнинг ўқиши ва амалиёт ўташи, ўз устида тинмай изланиши ва интилиши учун қўлдан келганча ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳар йили кўплаб иқтидорли ўқувчиларимизнинг Халқаро танловларда муносиб ўрин эгаллашлари қалбимизда фахр туйғусини уйғотади. Албатта, бу зафарларнинг ортида устоз-ўқитувчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари мужассамдир. Энг муҳими ҳар бир ёш ўз келажагини мукаммал яратиш учун интилмоғи, шароитлардан унумли фойдалана билмоғи лозим. Бизнинг вазифамиз эса уларга яхши таълим-тарбия беришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, ёшларга яратилаётган шароитлар мақтаса арзигулик. Ўқувчиларга сабоқ бераётган устозларнинг айниқса ёшларнинг муваффақиятларида ҳиссалари каттадир. Гулчеҳра Муҳамедова, Фотима Миртурсунова, Гулнора Мухторова ва Мавжуда Шоқамбарова шундай жонкуяр ва тажрибали устозлар жумласига киради. Гулчеҳра Муҳамедова ёшларга сабоқ бериш билан бирга бир қанча ўқув дарсликларининг ҳам муаллифи ҳисобланади. "Дутор ихтисослиги учун", "Куйла дилкаш дуторим" тўпламлари, педагогик амалиёт учун «Дутор» қўлланмаси, дутор синфи учун дарслик каби қатор китоблар айни кунда ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам амалий қўлланма бўлиб келмоқда. Гулчеҳра Муродова мусиқа мактаблари учун янги китобини нашрга тайёрлаяпти. Яқиндагина эса Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган "Тасанно" Республика фестивалининг совриндори бўлди.

Гулчеҳра Муродованинг ўқувчи шогирди Юлдуз Зинатова 2008 йил Москвада бўлиб ўтган "Зажги свою звезду" деб номланган Халқаро танловда, халқ чолғулари бўлими тарихида илк бор биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Мазкур коллежда бугунги кунда 1115 нафар ўқувчилар дутор, пианино, фортепиано, қашқар рубоби, скрипка, дамли чолғулар, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий ижрочилик каби кўплаб йўналишларида таълим олмоқдалар. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Шунингдек, ўқув муассасасида "Маънавият гулшани", "Келажак бугундан бошланади", " Саломатлик кони фойда", "Қадриятларимиз қадрланади", "Спорт менинг дўстимдир", "Боболарим кашф этган замин" каби маънавий-маърифий йўналишдаги турли хил тадбирлар, аниқ мақсадга йўналтирилган очиқ дарслар, соғломлаштириш борасида турли спорт мусобақаларининг ўтказилиши ҳам ёшлар камолотида, онги ва дунёқараши шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**







**СУРАТЛАРДА. Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежининг 2008-2009 "Тасанно" Республика фестивалида соврин олган ўқувчилари**

**ТУРЛИ ТАОМЛАРГА ТЎЛА БАЙРАМ ДАСТУРХОНИДАН СЎНГ КЎПЧИЛИК ОРГАНИЗМИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ, ЯХШИЛАБ ТОЗАЛАШ ТЎҒРИСИДА ЎЙЛАЙДИ. ЭЪТИБОРИНГИЗГА ОРГАНИЗМНИ ТОЗАЛАШ БЎЙИЧА ЖАҲОНДА ЭНГ МАШҲУР УСУЛЛАРДАН БИРИ ГУРУЧЛИ ПАРҲЕЗНИ ҲАВОЛА ЭТАМИЗ.**

*Саломатлик сирлари*

# ФОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАРИ КЎП ПАРҲЕЗ

Гуручли парҳез дунёда жуда машҳур ҳисобланади, чунки таомнинг калориясини камайтириши ҳисобига ортиқча вазндан қутулиш билан бир қаторда, организмни яхши тозалашга ҳам имкон беради. Гуруч организмдан шлаклар, тузлар, заҳарли моддалар ва бошқаларни чиқаришда самарали восита ҳисобланади. Гуруч оқсилга бой, тўйимли, шунинг учун ундан ҳар қандай гўштли маҳсулотлар билан гарнир сифатида ва нон ўрнига фойдаланиш мумкин.

Гуручли парҳезнинг бир неча турлари мавжуд, лекин уларнинг барчасида асосий таом гуруч ҳисобланади. Гуруч жуда паст калорияга эга. Гуручли таомда кўпи билан 110 калория мавжуд, бироқ уни тайёрлашда ёғ, туз, гўштдан фойдаланилмаган бўлиши керак. Улардан фойдаланилса калорияси анча ортади. Парҳез учун фақатгина гуручнинг ўзини буғда пишириш зарур, чунки унинг барча фойдали сифатлари сақланиб қолади, чиройли пишади.

Иродаси кучли ва қисқа вақт давомида кўзланган натижага эришишни истовчилар учун гуручли парҳез жуда маъқул келади. Бундай қаттиқ парҳездан чиқишнинг асосий қоидаси таом турларини аста-секинлик билан киритиб бориш ва зарарли маҳсулотларни чеклаш ҳисобланишини эсдан чиқармаслик керак. Акс ҳолда, парҳездан сўнг йўқотилган вазн яна ўз ҳолатига қайтишидан ташқари янада ортиб кетиши ҳам мумкин. Парҳезнинг қаттиқ тури кун давомида туз ва ёғсиз тайёрланган фақат гуручни истеъмол қилишни кўзда тутади. Бир кунлик таомни тайёрлаш учун бир стакан гуруч қайнатилади ва бир неча қисмга ажратилади. Бундай парҳез давомида олма шарбатини ичиш ва яшил олмалар истеъмол қилишга руҳсат этилади, аммо учтадан ортиқ эмас. Бу гуручли парҳезнинг қаттиқ варианти бўлгани сабабли уни ҳафтада бир мартадан ортиқ қўллаш мумкин эмас.

**Аъзам АБДУЛЛАЕВ тайёрлаган**

*Спорт янгиликлари*

# БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

**РЕСПУБЛИКА ШАХМАТ-ШАШКА КЛУБИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА 18 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАРНИНГ ИШТИРОК ЭТАЁТГАНИ БЕЛЛАШУВЛАРНИНГ КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ КУРАШЛАР ОСТИДА ЎТИШИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА.**

Қирқ нафарга яқин шахматчи дона сураётган ўсмирлар баҳсида очко йўқотмаган иштирокчилар сони учтагача камайди. Самарқандлик Жамшид Мустафоев учинчи турда пойтахт вакили Никита Хорошевни мот қилиб, етакчилик мавқеини сақлаб қолди. Иккинчи ўринда бораётган Акмал Файзуллаев (Қашқадарё) ҳам навбатдаги партияда Элбек Алиқуловни (Тошкент) мот қилди. Мезбонлар вакили Нурбек Иноғомов Тошкент вилоятидан келган Иззатилла Султонов устидан қозонган ғалабаси эвазига кучли учликдан жой олди.

Турнинг марказий учрашувида пешқадамлар сафида бораётган икки шахматчи — пойтахтлик Талгат Губайдулин ва фарғоналик Бобур Охунов ўзаро дуранг ўйнаб, бош соврин учун курашни давом эттирмоқда.

Қизлар баҳсида эса самарқандлик Мафтуна Орзиқулова ва сурхондарёлик Райҳон Дониёрова кетма-кет учта учрашувни ғалаба билан якунлади. М.Орзиқулова асосий рақобатчиларидан ҳисобланган Гулрухсор Эсонбоевани (Тошкент вилояти) мағлубиятга учратган бўлса, пойтахтлик Елена Вербова ҳал қилувчи паллада Р.Дониёровага имкониятни бой бериб, рақибасини олдинга ўтказиб юборди.

Чемпионатда ғолибликка асосий даъвогарлардан бири ҳисобланган Ҳулкар Тоҳиржонова (Фарғона) учинчи партияда пешқадамлар қаторидан жой олган Ирода Иброҳимова (Сурхондарё) билан дуранг ўйнади. Бундан ташқари, ҳали мағлубиятга учрамаган сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоева ҳамда самарқандлик Меҳрибон Жалилова ҳам совринли ўринлар учун курашаётган шахматчилар сафига қўшилди.

# УЛУҒБЕКНИНГ ЎНИНЧИ ҒАЛАБАСИ

**РОССИЯ ПОЙТАХТИ МОСКВА ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАСИ УЛУҒБЕК БЎРИБОЕВ НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ ЖАНГИНИ ҒАЛАБА БИЛАН ЯКУНЛАДИ.**

25 ёшли тошкентлик боксчи олти раундлик баҳсда россиялик Михаил Исак билан куч синашди. Беллашувни кескин ҳужумлар билан бошлаган ҳамюртимизга рақибидан устунлигини исботлаш учун бир неча дақиқа кифоя қилди. У.Бўрибоевнинг кўплаб кучли зарбаларини ўтказиб юборган М.Исак иккинчи раундда жангни давом эттиролмаслигини билдириб, ўзбек боксчисининг ғалабасини тан олди.

Профессионал боксчилик фаолиятини 2007 йилнинг декабрь ойида бошлаган Улуғбек Бўрибоев шу кунгача ўтказилган ўнта жангни ўз фойдасига ҳал қилган. Шулардан тўққизтасида рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратган.

**Боҳир БЕК**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2009 йил 14 апрел куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
**1.** Тошкент шаҳар Учтепа туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 27.10.2008 йилдаги 10-0807/13984-сонли суд буйруғига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари: – Учтепа тумани Чилонзор мавзеси, 20-уй 46-хонадон манзилида сақланаётган, "ГАЗ-3102951" русумли, д/р 10АТ910 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 206 386 сўм. – Учтепа тумани 25-мавзе, ИИБ ЙҲХНБнинг 2-сонли жарима майдончасида сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 10АТ098 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 382 033 сўм. **2.** Тошкент шаҳар Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 22.05.2008 йилдаги 10-0811/3542-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани К.Шарипов кўчаси 50-уй манзилида сақланаётган, "ЗИЛ-130" русумли, д/р 10АВ863 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 516 200 сўм. **3.** Тошкент шаҳар Сергели туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Яккасарой туманлараро судининг 14.07.2008 йилдаги 1-1797/08-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сергели тумани 8а-мавзесида 12-сонли автотранспорт воситалари сақлаш жойида сақланаётган, "Матиз" русумли, д/р 30М8830 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 368 753 сўм. **4.** Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 05.01.2009 йилдаги 11-0828/15247-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "3-автобус саройи" ОАЖга тегишли, С.Раҳимов тумани Мирпўлатов кўчаси 57-уй манзилида сақланаётган, "Мерседес-Бенц-кан" русумли, д/р 10AV956 бўлган, 2003 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 150 000 000 сўм.

Шунингдек 2009 йил 31 март куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
**1.** Тошкент шаҳар Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 25.01.2008 йилдаги 10-0712/15474-сон ва 11.03.2008 йилдаги 10-0815(11)/827-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, қарздор "Тошкент лифт Тресті"га тегишли бўлган қуйидаги кўчмас мулклари: – Умумий майдони 92 кв.м. бўлган, 4 хонали, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, 10-даҳаси, 16-уйдаги, 36-хона манзилида жойлашган, нотурар жой биноси. Жорий бошланғич баҳоси – 36 282 330 сўм. – Умумий майдони 65 кв.м. бўлган, 2 хонали, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Г.Узоқов кўчаси, 60а-уйдаги, 27-хона манзилида жойлашган, нотурар жой биноси. Жорий бошланғич баҳоси – 25 014 177 сўм. – Умумий майдони 60 кв.м. бўлган, 2 хонали, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Г.Узоқов кўчаси, 2-уйдаги, 117-хона манзилида жойлашган, нотурар жой биноси. Жорий бошланғич баҳоси – 26 051 544 сўм. – Умумий майдони 72 кв.м. бўлган, 2 хонали, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, К.Ҳалқа йўли кўчаси, 3-уйдаги, 63-хона манзилида жойлашган, нотурар жой биноси. Жорий бошланғич баҳоси – 28 485 675 сўм. – Умумий майдони 70 кв.м. бўлган, 2 хонали, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Шифокорлар кўчаси, 1-уйдаги, 26-хона манзилида жойлашган, нотурар жой биноси. Жорий бошланғич баҳоси – 26 686 503 сўм. – Умумий майдони 66 кв.м. бўлган, 2 хонали, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, К.Қамиш 2/3-даҳаси, 1-уйдаги, 1-хона манзилида жойлашган, нотурар жой биноси. Жорий бошланғич баҳоси – 28 722 600 сўм. **2.** Тошкент шаҳар Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 29.09.2006 йилдаги 10-0612/126246-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошметроқурилиш тресті 2-сон Туннел отрядига тегишли бўлган, Чилонзор тумани К.Шарипов кўчаси, 25-А-уйда сақланаётган: – "ГАЗ-2410" русумли, д/р 10АВ636 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 1 089 774 сўм. – "ГАЗ-2402" русумли, д/р 10АВ638 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 2 191 698 сўм. **3.** Тошкент шаҳар Сергели туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 30.10.2008 йилдаги 11-0806/11894-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Йунғинқола қ.ф.й., Камилова кўчаси, 2-уйда жойлашган, Х.Валерианга тегишли турар-жой учун мўлжалланган ховли жой биноси. Бошланғич баҳоси – 29 621 000 сўм.

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич бахосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси – РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р:20210000500571452105, МФО:00901, ИНН:200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

**Савдоларга марҳамат!**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2009 йил 16 апрел куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига «ART GUNN» МЧЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 30 октябрдаги 10-0816/9343-сонли ажримига асосан банкрот деб эътироф этилган ҳамда Кредиторлар йиғилишининг 2009 йил 3 мартдаги 2-сонли баённомасига асосан жамиятнинг Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, "VUTEK 3360 FC" русумли йирик ўлчамдаги рангли босма дастгоҳи (оборудования широкоформатной цветной печат) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 163 109 490 сўм.

Ушбу мулк 16 апрел куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 23 ва 30 апрел кунлари соат 11:00да ўтказилади.

Шунингдек 2009 йил 26 март куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК Кузатув Кенгашининг 2008 йил 17 декабрдаги 66-сонли йиғилиш қарорига асосан, компания балансидаги Тошкент шаҳар Абай кўчаси, 4а-уй манзилида сақланаётган, "Хундай Соната" русумли, д/р 10ВН598 бўлган, 1998 йилда и/ч, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 13 600 000 сўм.

Автотранспорт воситаси 26 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 30 март ва 2 апрел кунлари соат 11:00да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси – РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги хисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, ҳ/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

**Савдоларга марҳамат!**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

**Маълумотлар учун телефон:**
233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.

**Манзилимиз:**
*Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.*





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 206.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
4694 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

256

Топширилган вақти: 13.43